Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 100 (21. 219) 1992 йил 21 май, пайшанба ●

БАҲОСИ 1 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасига таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи ишламоқда. Мазкур ишларга ҳуқуқшунослик фанлари доктори, партия Марказий Кенгашининг котиби А. Х. Саидов бошчилик қилаётир. Кўпгина муқобил мавқелардаги олимлар ва мутахассисларнинг «давра суҳбати» натижасида Конституция лойиҳасига асосий ёндашувлар тўғрисидаги таклифлар тайёрланиб, Конституция комиссиясига тақдим этилди. Ғарб ва Шарқнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларидаги конституциявий қурилишнинг катта тажрибаси умумлаштирилди. Халқнинг энг бой тажрибаси ва анъаналарини ижодий идрок этишга алоҳида аҳамият берилди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари асосий қонунларининг яратилиш жараёни ҳам назардан четда қолаётгани йўқ.

Ҳозир ишчи гуруҳи концепция — асосий моделни тайёрлашга киришди, унда қайси принциплар, қай таркиб ва қандай йўналишлар бўйича конституция лойиҳасини яратиш таклиф этилаётгани ўз аксини топади. Ўзбекистон янги жамиятининг ҳуқуқий базасини тайёрлашга ҳисса қўшмоқчи бўлган ХДП ва бошқа партияларнинг аъзолари, партиясизлар, олимлар ва барча фуқаролар ўз таклиф ва фикр-мулоҳазаларини киритишга таклиф этиладилар. ХДП Марказий Кенгаши янги конституция умумий кенгашнинг, халқ оммаси ва мутахассисларнинг, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг, жамоат бирлашмаларининг изланишлари натижаси бўлмоғи керак, деб ҳисоблайди.

Ишчи гуруҳига қуйидаги манзилгоҳ бўйича мурожаат этиш мумкин: 700029, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 9. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, «Конституция лойиҳаси». Телефонлар: 33-84-74; 33-81-07.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг парламент ишлари ва партиялараро алоқалар бўлими.

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг давлат ва жамоат хавфсизлиги, мудофаа ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш комитетида 19 май куни Ўзбекистон Республикаси байналмилалчи жангчилар ва заҳирадаги жангчилар уюшмаси республика ва вилоят ташкилотларининг раҳбарлари билан учрашув бўлди.

Уюшма барча бўғинларининг байналмилалчи жангчиларни, ногиронларни, ҳалок бўлган жангчилар, ҳарбий асирлар ва бедарак йўқолганларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш масалаларида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият идоралари билан алоқаларини мустаҳкамлаш йўллари муҳокама қилинди.

Армияда хизматни ўтаб бўлган заҳирадаги жангчиларни ишга жойлаштириш, ёшларни Ўзбекистон Республикасига содиқлик руҳида ватанпарвар этиб тарбиялаш, уй-жойлар ва бошқа давлат мол-мулкини хусусийлаштириш чоғида ҳалок бўлган жангчилар оилаларининг, ногиронларнинг ва заҳирадаги жангчиларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоялаш, байналмилалчи жангчиларнинг хўжалик ҳисобидаги ташкилотларига нисбатан солиқ сиёсати тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди. Армияга чақиришга, байналмилалчи жангчиларни ташвишлантираётган бошқа муаммоларга бағишлаб умумреспублика тадбирлари ўтказиш тўғрисида гап борди.

Комитет ҳузурида тузилган ишчи гуруҳга кўриб чиқилган масалалар моҳиятини ўрганиб, шу масалалар юзасидан аниқ таклифлар киритиш топширилди.

(ЎзА).

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

20 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов Ўзбекистондаги тўғриғ «Тошкент» биржасига борди. Бош вазир бу ердаги брокерлик идоралари ҳамда олди-сотди ишларининг амалга оширилиши жараёнлари, МДҲ давлатларининг етакчи биржалари билан ахборот айирбошлашни таъминлайдиган, биржалараро ҳамкорликда олди-сотди ишларини бажарадиган компьютерлар тармоғи иши билан танишди.

Сўнгра Бош вазир биржанинг раҳбар ва мутахассислари билан суҳбатлашди. Шу нарса аён бўлдики, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишда талай муаммолар пайдо бўлмоқда. Рисоладаги бозорга йўл очиш, биржа ҳаракатини юксалтириш учун шарт-шароит яратилган бўлиши керак. Ҳозир бизда истеъмол моллари бозори бор. Эндиликда эркин сармоя бозорини барпо қилиш керак. Унда корхоналар муомалага қўйилмаган маблағларини шу бозорга солиб, ундан фойдаланади.

Суҳбатда хорижий сармояни республикага жалб этиш, халқаро суғурта компаниялари билан шартномалар тузиш, Европа ва жаҳон халқаро валюта жамғармалари билан алоқа боғлаш муаммолари тилга олинди.

«Тошкент». биржаси раҳбарларининг фикрича, даромад солиқларини камайтириш, варар кўраётган корхоналарни хусусийлаштириш йўли билан республика бюджети камомадининг анча қисмини қоплаш мумкин.

Республика Бош вазири давлат корхоналарини хусусийлаштиришда ҳукуматнинг сиёсати аниқ-равшанлигини, уни тезлаштириш кераклигини айтди.

Бош вазир учрашувни якунлаб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг муқаррарлигини, бунда биржалар ишига кўмаклашиш, ишбилармонларга имкониятлар яратиш даркорлигини уқтирди.

(ЎзА).

● Амударё қуйи этакларида ястанган бир неча юз минг гектарлик Қизилжар массиви асосан Қорақалпоғистон жумҳуриятининг гўшт ишлаб чиқарадиган бош «фабрикаси» ҳисобланади. Бу ерда қамиш ва бошқа озуқабоп ўт-ўланлар сероб. Улкан бу массивдаги 75 минг гектарлик яйлов бир неча йилдирки, хоразмлик бўрдоқибоқарлар хизматида.

• *Яйлов ташвишлари*

БЎРДОҚИБОҚАРЛАР

Бу яйловда Урганч районига қарашли «Қизилжар» ва «Дўстлик» давлат хўжаликлари жойлашган. Бу ерда бўрдоқичилик пункти ҳам бор. Унга Халқ демократик партияси аъзоси Ибодулла Сафоев раҳбарлик қилади.

Урганч ноҳияси билан Қизилжар массиви оралиғидаги масофа оз эмас, кўп эмас — 350 километр. Ибодулла ака корхонага директор қилиб тайинланган 1986 йилдан буён ана шу. йўлда бўзчининг мокисидек тинимсиз қатнагани-қатнаган.

Қизилжар бўрдоқичилик пункти ҳар йили сўқимга боқиш учун «Дўстлик» ва «Қизилжар» совхозларидан учтўрт, ҳатто баъзан беш минг бошгача ёш қорамолни қабул қилиб олиб, камида 350—360 килограммга етказиб давлатга топширади.

Бултур бу ерда уч минг бош қорамол бўрдоқига боқилди. Етиштирилган гўшт 1200 тонналик тош босди. Семиртириш ҳисобига олинган маҳсулот режада кўзда тутилган 160 тонна ўрнига 182 тоннани, олинган соф фойда эса 150 минг сўмни ташкил этди.

Бултур пунктда ҳавоси мўътадил сақлаб туриладиган, барча иш жараёнлари замонавий лойиҳа асосида механизациялаштирилган янги — 1200 бошга мўлжалланган молхона қурилиб, ишга туширилган эди. Бу молларни қишлодан иссиқ ва семиз олиб чиқиш имконини бермоқда. Умуман, Қизилжар бўрдоқибоқарларнинг бу йилги нияти — семиртириш ҳисобига 200—220 тонна гўшт тайёрлашдир.

— Бунинг учун сўқимга боқиладиган қорамолларни бултургига кўра бир неча юз бошга кўпайтирамиз, — дейди пункт мудири. — Ўтган йили пункт ишчиларининг ўртача ойлик маоши 200 сўмдан сал кўпроқни ташкил этди. Эндиликда бундай маош билан оила тебратиб бўлмайди. Биз ҳар бир ишчига шу йилнинг январидан бошлаб ўртача 550—600 сўмдан мояна беряпмиз. Яқинда бунга экологик ёрдам пули ҳам қўшилади. Эндиликда бу ҳам кам эканлиги сезилиб қолди.

— Муаммоларингиз ҳам бордир, — сўрадим мен муда, ҳам номига автолавка юбориб турадиг. Унда кўпинча эҳтиёжга зарур моллар топилмайди. Эндиликда эса умуман ҳеч нарса келтирмай қўйишди. Қанд-қурс, чой, ун, гугурт, туз, макарон, оддий чит-матолар эса неча ойдирки, анқонинг уруғи бўлиб қолди.

Мудир массивдаги Урганч гўшт комбинатининг мўъжаз бир филиали ҳамда колбаса тайёрлаш цехи қурилишини ҳаётий муаммо деб ҳисобламоқда. Зеро, дейди у, — биз гўштга топширадиган қорамолларни 350 километр масофага автотранспортларга ортиб олиб борамиз. Узоқ йўл жониворларни анча уринтириб, оздириб юборади. Бунинг устига ташиб келтириш учун анча миқдорда маблағ сарфланади. Агар бўрдоқиларни массивнинг ўзида гўшт ва колбасага айлантиргудай бўлсак, бундан катта иқтисодий фойда олиш мумкин. Бу муаммо ечилса, ишлаб чиқариш харажатлари 35—40 фоизга тежалади. Бу эса ўз навбатида бўрдоқибоқарларимизнинг иш ҳақини янада оширишга имкон беради.

Орол тобора қуриб боряпти. Унинг остидан кўтарилаётган заҳарли туз моддалари воҳа бўйлаб кунига бир неча юз тонна ҳажмда сочилаётир. Бундан, айниқса, қуйи Аму соҳиллари кўпроқ озор чекаётир. Бироқ чорвадорларга экологик носоғлом муҳит учун ҳанузгача қўшимча иш ҳақи коэффициенти оширилмаяпти. Моддий рағбат шубҳасиз, бўрдоқибоқарларнинг ғайрат-шижоатини оширган, ички имконият ва омилларни қидириб топишга ундаган бўлур эди.

— Шу ерда мени яна бир муаммо ўйлантиради, — дея сўзида давом этди ҳамсуҳбатим. — Масалан, вилоятимизда ҳар бош қорамол 300 килограммлик вазнда гўштга топширилятпи. Режани бажариш учун эса камида 30 минг бош қорамол сўйиляпти. Агар қорамолларнинг тирик вазни 500 килограммга етказилиб, гўштга топширилганида эди, ҳар йили камида 9—10 минг бош қорамол фойдага қолган бўларди.

Вилоятда чорва моллари туёғини кўпайтиришнинг яна бир катта резерви бор. Аҳолига банкдан қарзга пул бериб қорамол харид қилишга кўмаклашиш керак. Ахир бир хонадон бир бош мол харид қилганида ва ундан йилига бир бош бузоқ олганида ҳам қорамол бир бошга кўпаядику. Мабодо, юз минг хонадон бир бошдан қорамол сотиб олса-чи? Бунинг учун албатта уларга ем-хашак етиштириладиган ер ажратиб бериш, ҳар хил концентрат озуқалар бериб туриш, вилоят ёғ-экстракция комбинатида ишлаб чиқарилган кунжара билан шелухани ўзимизда қолдириш керак бўлади. Шундай қилинса, Хоразмда гўшт ишлаб чиқариш сўзсиз кўпаяди.

Бўрдоқибоқарлар шу йилнинг ўзида сўқимга боқиладиган бир қорамолнинг тирик вазнини иложи борича беш юз килограммга етказишга аҳд қилишди.

Э. МАДРАҲИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ДУНЁ ОВОЗИ

САФАР ТЎХТАТИЛДИ

● **Белград.** Югославия Иттифоқ Республикаси ва собиқ ЮСФРнинг бошқа республикалари бўйлаб сафар қилиб юрган Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козирев ташрифини тўхтатишга мажбур бўлди. 21 май куни Россия Олий Кенгашининг мажлиси ўтказиладиган бўлиб қолди, унда Қрим теварагидаги вазият масаласи муҳокама қилинади. Делегация аъзоларининг РАТА—ТАСС мухбирига айтишларича, бу мажлисда ташқи ишлар вазирининг қатнашиши зарур. А. Козирев Белградга, Черногория пойтахти Подгорицага ҳамда Босния ва Герцоговина пойтахти Сараевога боргандан кейин 20 май куни кечқурун Москвага қайтди.Россия вазири Олий Кенгашнинг мажлисидан кейин Хорватия, Словения ва Македонияга сафарни давом эттиради.

ТЎЛА МАМНУНИЯТ

● **Вашингтон.** АҚШ Президенти Жорж Буш билан Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Оқ уйда ўтказилган ва икки соат давом этган музокарадан тўла мамнуният изҳор этдилар ва уни «мамлакатлар ўртасидаги янги муносабатларнинг бошланиши», деб таърифладилар. Оқ уйдаги учрашув тугагандан кейин иккала раҳбар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар ҳолатини янги поғонага кўтариши лозим бўлган бир қанча Америка — Қозоғистон ҳужжатларини имзоладилар. Суҳбат чоғида Нурсултон Назарбоев Олмаотанинг ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшилишга ва стратегик ҳужум қуролларига оид Шартнома қоидаларини бажаришга тайёр эканини тасдиқлади.

МУХБИРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

● **Варшава.** Польшага ташриф буюрган Украина Президенти Леонид Кравчук поляк ва хорижий журналистлар билан учрашди. Л. Кравчук МДҲнинг келажаги тўғрисидаги саволга жавоб қайтариб, Украина МДҲ келажакда илдизлари собиқ СССРга бориб тақаладиган барча муаммоларни ҳал этиши ҳамда мустақил давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий, турмушини янги, тенг ҳуқуқли қоидалар асосида қуриши керак, деб ҳисоблашини айтди. Ҳозирча биз МДҲ таркибида туришдан самара чиқмаслигини кўриб турибмиз, деди у сўзини давом эттириб. Унинг мақоми ҳали мукаммал эмас ва у ўзининг муаммоларини ва муштарак муаммоларни ҳал этиш учун МДҲга кирган барча мамлакатларни бирлаштиришга хизмат қила олмайди. Бу жиҳатдан МДҲнинг истиқболи йўқ. Президентнинг фикрича, МДҲнинг келажаги бўлиши учун у уюшма ёки иттифоқ мақомига эга бўлиши керак, бу нарса мустақил давлатларнинг руҳига ва тусига мос келади, шу асосдагина давлатлар ўртасидаги тегишли муносабатларни йўлга қўйиш мумкин бўлур эди. Чунки, ҳозир «Ҳамдўстлик» ибораси собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида мустақил мамлакатларнинг ўзида рўй бераётган жараёнларнинг маъносига, руҳига мувофиқ эмас.

ВАКИЛНИНГ ФИКРИЧА

● **БМТ.** Россиянинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Юлий Воронцов БМТ Қорабоғ можороси зонасида узоқ муддат туриши керак, деган фикрни билдирди. У журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, Тоғли Қорабоғда ўт очишни тўхтатишга риоя этилишига муваффақ бўлинмаётганлиги хусусида таассуф билдирди. Воқелик ҳодисаларини аниқлаш учун ҳозир у ерга юборилаётган БМТ вакиллари БМТнинг, хусусан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг минтақадаги вазифасини белгилаб беради. Заруратга қараб биз у ерда тинчликни сақловчи бирлашган кучларда БМТнинг узоқ муддатли иштирокига ижобий назар билан қараган бўлур эдик, Бунда Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш ва МДҲ ҳам иштирок этган бўлур эдилар, деб таъкидлади Россиянинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили.

ТУРҒУТ ЎЗОЛ АҚШДА

● **Париж.** Франс Пресс ахборот маҳкамасининг Туркиядаги «Ҳуррият» газетасига асосланиб хабар қилишича, Американинг Хьюстон шаҳрида даволанаётган Туркия Президенти Турғут Ўзол Нахчиванга қўшинлар юбориш керак, деган фикрни билдирди. «Нахчиванга қўшинлар юборамиз, бу қўшинларни ҳеч иккиланмай юбориш керак. Акс ҳолда у ерда Тоғли Қорабоғда содир бўлгани каби воқеалар такрорланиши мумкин», — деди Президент. Унинг сўзларига қараганда, «Мавжуд холатни тиклаш» ва «Музокара бошлаш» учун «Шуша билан Лочинни арманлардан тортиб олиш» лозим. «Озарбайжондаги вазиятнинг яхшиланиши Шуша билан Лочиннинг қайтариб олинишига боғлиқ», — деб таъкидлади Т. Ўзол.

МАШҚЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ

● **Вашингтон.** Пентагон Таиланд қуролли кучлари билан қўшма ҳарбий машқлар бекор этилганини эълон қилди, давлат департаменти эса Осиёдаги шу мамлакатда зўравонлик тинимсиз давом этаётган шароитда «Таиланд ҳукумати билан рисоладаги муносабатларни давом эттиришнинг иложи бўлмай қолди», деган баёнотни берди. «Биз Бангкокдаги зўравонликни, одамлар нобуд бўлаётганини қоралаймиз, — деб таъкидлади АҚШ ташқи сиёсат маҳкамасининг расмий вакили Маргрет Татуайлер. — Бу воқеалар бизни жуда ачинтирмоқда. Биз узоқ вақтдан бери Таиланд халқининг дўсти бўлиб келганимиз учун ҳам ҳукумат билан оппозиция ўртасидаги муаммоларни ҳал қилиш воситаси сифатида ажал қуролидан фойдаланишга рози бўла олмаслигимизни равшан қилиб айтамиз».

(РАТА — ТАСС, 20 май).

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Асака шаҳрида Хитой Халқ Республикасининг Шинжонг-Уйғур мухтор районидаги Ёркент шаҳридан делегация меҳмон бўлди. Делегацияга шаҳар ҳокими Ғафур Ҳошим бошчилик қилди. Хитойлик меҳмонларнинг сафаридан мақсад — Ёркент ва Асака шаҳарлари ўртасида иқтисодий ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани, шунингдек, икки шаҳар ўртасида биродарлик алоқаларини ўрнатиш тўғрисидаги протоколни имзолашдан иборат эди. Шунингдек, Асака автотранспорт ходимлари томонидан Ёркент аҳолисига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома ҳам имзоланди.

Хитойлик меҳмонлар Асаканинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Таксомотор парки ва машиналарни таъмирлаш заводида, саноат корхоналари ва тиббиёт муассасаларида бўлдилар. Маданият ва маориф ходимлари билан учрашдилар.

Суратларда: меҳмонларни кутиб олиш чоғи (ўнгда) Ёркент шаҳри ҳокими Ғафур Ҳошим; хитойлик меҳмонлар автомашиналарни таъмирлаш заводи иши билан танишмоқдалар.

Ш. АЛИМОВ олган суратлар (ЎзА).

МЕҲМОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

19 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов ХХР Шинжонг-Уйғур мухтор районининг Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган ҳукумат делегациясини қабул қилди. Делегацияга Шинжонг-Уйғур мухтор райони ҳукумати раисининг ўринбосари Ли Дун-Кай бошчилик қилмоқда.

Самимий ва дўстона суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан ХХР Шинжонг-Уйғур мухтор райони ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш, қўшма корхоналар очиш, ҳар икки мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар натижасида орттирилган тажрибани ўртоқлашиш; ўзаро белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун қулай имконият вужудга келганлиги таъкидланди.

Суҳбатда ХХРнинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэньгуан иштирок этди.

(ЎзА).

• ФУТБОЛ •

● ОЛИЙ лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг 12-тур ўйинлари бўлиб ўтди:

«Нурафшон» — «Нефтчи» — 1:0
«Сурхон» — «Шаҳрихончи» — 1:1
«Янгиер» — «Косонсойчи» — 0:2
«Навбаҳор» — «Пахтакор-79» — 5:0
«Наврўз» — «Пахтакор» — 0:3

• ХДП ва Ёшлар иттифоқи

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан Ўзбекистон Ёшлари иттифоқининг ўзаро ҳамкорлик масаласи ҳозирги давр сиёсий-ижтимоий ишларининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди. Ҳар икки томон учун ҳамкорлик қўлай даражада зарур ва фойдали эканлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. ХДП Сирдарё вилоят кенгашида ўтказилган ўзаро учрашувнинг бош мавзуи ҳам ана шу бўлди.

Ўзбекистон ХДП Дастури, партия Марказий Кенгашининг IV Пленуми қарорларидан келиб чиқиб Халқ демократик партияси Сирдарё вилоят кенгашининг иккинчи пленумида вилоят ёшлар иттифоқи кенгаши билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома тасдиқланган эди. Бугун эса вилоят партия ташкилоти билан Ёшлар иттифоқи кенгашининг фаоллари учрашиб, ана шу шартномани амалга ошириш йўллари ҳақида батафсил фикр юритдилар. Ушбу муҳим тадбирни ҳаётга татбиқ этишнинг аниқ йўлларини қидирдилар.

Қуйида ана шу учрашув иштирокчилари томонидан билдирилган баъзи фикр ва мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Собиржон УСМОНОВ, ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби: — Ўз эртаси, келажагини ўйлаган ҳар қандай сиёсий партия албатта энг аввало бўлажак ўринбосарлари, яъни ёшлар ҳақида қайғуради. Бу табиий ҳолдир. Зеро халқ орасида, от ўрнини той босар, деган нақл бор. Ёшларсиз тараққиёт, ўсиш йўқ, демак. Шу боис ҳам ХДП ўз Дастурида ҳам, амалий фаолиятида ҳам ана шу масалага алоҳида эътибор бераётгани бежиз эмас.

Вилоятимиз партия ташкилоти тизилмаларида ўнта шаҳар ва район, 450 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар атрофига 13 мингга яқин ХДП аъзолари бирлашган, ХДП вилоятдаги энг йирик сиёсий ташкилотдир. Партия аъзолари ҳозир биринчи галда иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фаол қатнашмоқдалар. Жумладан, шу куннинг энг долзарб вазифаларидан бири — пиллачиликни, шунингдек жамоат чорвасини ўз оталиғимизга олганмиз. Албатта бу борада биз собиқ компартиядан қолган услублар билан эмас, балки ҳозирги даврнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда иш юритишни бош мақсад қилиб қўйганмиз.

Вилоят партия ташкилоти қўриқ воҳамизнинг иқтисодиёти, ижтимоий ҳаёти, маданий-маиший, савдо ва медицина, ҳуқуқ-тартибот, қўйинки, барча соҳаларида фаол қатнашишга интилмоқда. Ўрни келганда шу нарсани таъкидламоқ лозимки, республикада биринчи бўлиб ўтказган меҳр-шафқат тадбиримиз ажойиб самара берди. Айни пайтда ана шу тадбирларни ўтказиш пайтида орттирилган тажриба ўзимиз учун ҳам катта ҳаёт сабоғи бўлди.

Партия Дастурини амалга ошириш борасида парламент йўли билан кураш олиб бориш маҳоратини эгаллашга интиляпмиз. Яқинда халқ ноиблари вилоят Кенгаши қошида партия гуруҳини туздик. Шаҳар, район, маҳаллий Кенгашлар қошида ҳам партия гуруҳлари тузилаётир. Барча Кенгашларга сайланган ноиблар фаоллиги орқали режаларимизни ҳаётга татбиқ этамиз, энг муҳими фаол ва пассив ноиблар фаолияти мисолида ҳозирданоқ бўлғуси сайловларга тайёргарликни бошлаб юбориш ниятидамиз.

Ёшлар билан ишлаш борасида ҳам катта ишларни режалаштириб, уларни амалга оширмоқдамиз. Яқинда пленумда тасдиқланган ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш йўллари ҳақида биргаликда ўйлашимиз ва ишламоғимиз лозим.

Умарали ТУХТАБОЕВ, — вилоят ёшлар иттифоқи раиси: — вилоят ёшлар иттифоқи ҳам ташкилий даврдан ўтиб, эндиликда чиниқиш ва тобланиш йўлидан бормоқда. Иттифоқимизда 943 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар атрофига 78 мингдан зиёд аъзолар бирлашган. Агар ўз ишларимизни ҳозирги давр талаблари даражасида ташкил эта олсак, унда бу чиндан ҳам катта куч бўлади. Ёшларимиз қўриқ воҳа иқтисодини, маданияти ва бошқа соҳаларини ривожлантириш учун муносиб ҳисса қўша оладилар. Бунинг учун йигит-қизларимизнинг кучлари, билим ва ақл-заковатлари етарлидир.

Бизлар ҳозир мураккаб ва оғир даврни бошдан кечирмоқдамиз. Ана шундай вақтда ёшларга кўрсатилаётган диққат-эътибор, ёрдам, маслаҳат ва ҳамкорлик ҳаётда ўз йўлини қидираётган ёшларни, улар етакчиларини беҳад қувонтириб куч-қувват, умид бағишламоқда. Бунинг учун биз Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашидан миннатдормиз.

Вилоятимиздаги қатор районларнинг партия ташкилотлари ёшларни қўллаб-қувватлаб келмоқдалар. Гулистон район партия ташкилоти кенгаши биринчи бўлиб район ёшлар иттифоқи билан қўшма пленум ўтказди. Натижада ҳамкорликнинг деярли барча томонлари хусусида келишиб олинди. Оқолтин район партия ташкилоти эса ўз ҳудудида ёшлар иттифоқи ташкилотини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Сайхунобод, Сирдарё, Боёвут районларида ҳам ёшларга нисбатан бўлаётган диққат-эътибордан нолимаймиз.

Лекин афсуски, вазият ҳамма жойда ҳам бирдай эмас. Чунончи Гулистон шаҳар ёшлар иттифоқи ҳозирнинг ўзидаёқ ХДП шаҳар кенгаши биносида ўтиргани учун ундан 39 минг сўм қарз бўлиб қолибди. Ҳолбуки бунча маблағ ёшлар ташкилотида йўқ ва бунинг оқибати нима бўлишини билмаймиз. ҳам. Умуман, шаҳар партия ташкилоти ёшларнинг ташвишлари билан шуғулланишни унча хохламаётир. Янгиер шаҳар партия ташкилоти билан ёшлар иттифоқи ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин. Бу ерда ҳатто ташкилотимизнинг биноси ҳам йўқ.

Хуллас, шу каби муаммоларимиз оз эмас. Шунинг учун ҳам биз ХДП вилоят кенгаши билан ўзаро ҳамкорликдан кўп нарса кутмоқдамиз.

Шокир АБДУРАҲМОНОВ, вилоят ёшлар иттифоқи ташкилий бўлими мудири: — Тузилган шартномани ишлатишимиз керак. Олдинги даврларда бўлганидек у ҳам қоғозда қолиб кетмаслиги лозим. Томонларнинг тўла мустақиллиги ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслиги — шартноманинг энг яхши сифатларидан биридир. Биз — сиёсий ташкилот эмас, балки жамоат ташкилотимиз. Шу томонини олганда, ХДП бизларнинг сиёсий манфаатларимизни тегишли идоралар ва органлар олдида ҳимоя қилиши қувонарли ҳол.

Лекин шартноманинг кишини ўйлантириб қўядиган баъзи томонлари ҳам йўқ эмас. Бизларнинг уюшмаларимиз кенг кўламли бўлиши, нафақат, ХДП, балки «Эрк», «Бирлик», бошқа партия ва ҳаракатларга, диний қарашларга хайриҳоҳ бўлган ёшларни ҳам ўз бағрига сиғдира олиши керак. Ҳозирданоқ ана шу партия ва ҳаракатга мойил бўлаётган ёшлар ўртасида: «Сизлар ХДП билан шартнома тузиб, партия ёшлини тазйиқ орқали ўтказмоқчи бўлаётирсизлар» дейдиганлар ҳам топилмоқда. Хўш, бундай холатда нима дейишимиз, нима қилишимиз керак?

С. УСМОНОВ: — Биргаликда тузган шартномамиз қўл-оёғингизни боғлаб қўяди, деган тушунчага боришларингиз нотўғри. Агар сиёсий қарашлар, мақсад ва интилишлар тўғри келса, шу каби шартномаларни ёшлар иттифоқи бошқа партиялар ва ҳаракатлар билан ҳам тузишлари мумкин. Ҳаммамизнинг мақсадимиз бир — халқимизга хизмат қилиш. Шу йўлда бирлашмоғимиз, ҳамфикр, ҳамдард бўлмоғимиз лозим.

Одилжон АҲМАДҚУЛОВ, Боёвут район ёшлар иттифоқи раиси: — Биз яқинда «Ёшлик — ҳамма нарсага қодир» деган шиор остида районимиз ёшларининг фестивалини ўтказдик. ХДП район кенгаши бу тадбиримиз учун 4 минг сўм пул ажратди, ҳар томондан қўллаб-қувватлади, катта ёрдам берди. Районимиздаги «Ленинизм», Ленин номли жамоа хўжаликларида, яна баъзи давлат хўжаликларида раис, директорнинг ёшлар ишлари бўйича муовинлари ташкил этилди. Улар хўжалик ҳисобидан ойлик олиб ишламоқдалар, ёшлар масалалари билан фаол шуғулланмоқдалар. Агар шу тадбир бошқа хўжаликларда ҳам амалга оширилганида эди, ҳар ойда аъзолик бадаллари ҳисобига тўпланаётган 9,5 минг сўм пулни биз ёшлар ҳимояси йўлида фойдаланган бўлар эдик. ХДП вилоят, район кенгашларидан ана шу тадбирлар охирига етказилишида ёрдам беришларини сўраймиз.

Убайдулла АҲМАДҚУЛОВ, Комсомол район партия ташкилотининг биринчи котиби: — Эртасини ўйламаган одамларгина ёшлар ташвишига бефарқ қарайди. Бундай ҳолнинг юзага келиб қолишига асло йўл қўймаслигимиз керак. Вилоят, шаҳар ва район кенгашларида ўзаро шартнома имзоланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Энди ана шу ҳужжатлар қўйига тушсин. Яъни бошланғич ташкилотлар, меҳнат жамоаларидаги партия ташкилотлари билан ёшлар иттифоқи ташкилотлари ҳамкорликда ўз шартномаларини тайёрлаб, уни тасдиқдан ўтказишлари ва амалга ошириш йўлида курашмоқлари лозим. Акс ҳолда муҳим ҳужжатлар худди илгариги қоғозбозлик замонларида бўлгани каби юқори идоралар столларининг ғаладонларида қолиб кетаверади.

Бобо ЗУҲУРОВ, Сирдарё район партия ташкилотининг биринчи котиби: — Биз ёшлар иттифоқи ташкилотлари билан доимо ҳамкорликда иш олиб борамиз. Район ташкилотига ўз биноминдан жой берганмиз ва бунинг учун ҳеч қандай ижара ҳақи талаб қилаётганимиз йўқ. Меҳр-мурувват тадбирини биргаликда ўтказдик. Бу ҳамкорлик яхши самара берди. Эндиликда шартнома асосида ҳамкорлигимиз доираларини кенгайтирамиз, мазмунини бойитамиз. Айни пайтда ёшлар фаолиятини чекламай, эркинлик, мустақиллик беришимиз керак. Буларсиз эркин, мустақил, ривожланган жамҳуриятимиз эгаларини тарбиялашимиз қийин бўлади.

ХАЛҚ демократик партияси Сирдарё вилоят кенгаши ҳамда вилоят ёшлар иттифоқи фаолларининг учрашувида шунингдек Гулистон район ёшлар иттифоқи раиси Абдураҳим Исоқулов, вилоят ёшлари иттифоқи ёшлар сиёсати ва социал ҳимоя сектори ходими И. Соболев ҳамда бошқалар сўз олиб, фикр-мулоҳазалари, қарашларини баён этдилар, партия ташкилотлари билан ёшлар иттифоқлари ташкилотлари ўртасидаги муносабатни яхшилаш, ҳамкорликни кучайтириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўртага қўйдилар. Йиғилиш ишига ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби С. Усмонов ва вилоят ёшлар иттифоқи раиси У. Тўхтабоев якун ясаб, олдинда турган вазифалар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Учрашув фойдали бўлди. Бундан буён шу каби тадбирларни мунтазам ташкил этиб туришга келишиб олинди.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хива гилам тўқиш комбинатида маҳсулот сифатига алоҳида эътибор бериляпти. Бу ерда техник назорат бўлими ходимлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Назоратчилар кунига қарийб 3 минг квадрат метрли гилам маҳсулотлари сифатини кўздан кечиришяпти.

Суратда: бригада бошлиғи М. Йўлдошева, техник назорат бўлими ходими Н. Абдиёзова ва уста Ю. Матчоновлар.
Суратка ш В. МОЛГАЧЕВ.

ТУРКМАНИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Туркманистон эндиликда президентлик республикаси шаклидаги демократик-ҳуқуқий ва дунёвий давлатдир. Туркманистон халқ депутатлари Олий Кенгашининг 18 майда Ашгабатда ўтган сессиясида қабул қилинган республика Конституциясида Туркманистонга ана шундай таъриф берилган. Туркман халқи тарихида биринчи марта унинг мустақил ривожланиш, мустақил давлатни тузиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган Конституцияси қабул қилинган кун Байрам куни деб эълон қилинди.

Депутатлар конституция лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида унинг 1978 йилда қабул қилган ва ҳозиргача амал қилиб келган Конституциядан жуда муҳим тафовутларини таъкидладилар. Шахснинг ҳуқуқий аҳволи, умумбашарий қадриятларнинг устиворлиги, сиёсий фикрларнинг хилмахиллиги, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг аниқ фарқлаб қўйилиши, мафкуравий ва синфий ёндашувнинг йўқлиги ана шундай тафовутлардандир. Янги Конституция ишлаб чиқариш воситаларига, ерга, моддий ва маънавий бойликларга хусусий мулкчиликни эълон қилди.

Конституция эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди. Туркманистон Олий Кенгашига Мажлис номи берилади.

Мажлисда Туркманистон оқсоқолларининг яқинда бўлиб ўтган кенгаши қатнашчиларининг ялпи сайлов асосида Президент сайловини ўтказиш ва бу лавовимга Самармурод Ниёзов номзодини кўрсатиш тўғрисидаги таклифлар қўллаб-қувватланди. Сайлов 21 июнь кунига белгиланди.

АШГАБАТ.
(Туркманпресс — ТАСС).

САУДИЯ ПОДШОҲИНИНГ САХОВАТИ

Коҳира, 19 май. «РАТА-ТАСС». Саудия Арабистонининг подшоҳи Фаҳд МДҲ мамлакатларидан ҳаж қилиш учун Маккаю мунавварга келадиган 13 минг мусулмоннинг харажатларини тўлайди. Саудия оммавий ахборот воситаларининг хабар қилишларича, подшо ана шу эҳтиёжлар учун ўз пулидан ажратади.

Подшоҳ «МДҲдаги мураккаб вазиятни англаганлиги» сабабли шундай қарор қабул қилди, — деди зиёрат ва вақф ишлари вазири Абдул Ваҳоб Абдул Вози. Саудия ахборот агентлиги вазирнинг ана шу сўзларини келтиради.

• Мустақиллик ишчанликни ёқтиради

● МАГАЗИНДА ТИКУВЧИЛИК ЦЕХИ.

● ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ САНОАТЛАШИБ БОРМОҚДА

● СУРХОНДАРЁДА ПОЙАБЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛЯПТИ.

— Сурхондарё автомобилу самолётдан бўлак истеъмол молларини ўзи ишлаб чиқарадиган бўлади, — деди вилоят ҳокими Ҳаким Бердиев фаоллар билан яқинда бўлиб ўтган учрашувларнинг бирида. Вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш акс эттириладиган расмий маълумотларнинг ҳамон адоғроғидан ўрин олиб турганини билганлар ҳокимнинг бу гапини муболағага йўйишлари тайин гап. Лекин Ангор районида қилинаётган ишларни кўрган ва бошқа жойлардаги бир қатор хайрли юмушларни билган-эшитганлар ҳокимнинг фикрига қўшиладилар.

Ангор — вилоятнинг энг кичик районларидан бири. 12—13 минг гектар майдонда деҳқончилик қилади. Пахта заводидан бўлак қўлга илашадиган саноати йўқ. Район раҳбарияти кейинги йилларда: «Ўгит солсанг, тупроқнинг унумдорлиги ошади», деган каби жўн маслаҳатлар билан агрономларнинг бошини қотиришга ўхшаш ишларга чек қўйди. Ҳар бир тармоқни ўша соҳанинг эгаси, мутахассиси тортсин, деди. Семинарларни, мажлисларни, ўзаро текшир-текширларни камайтирди. Қишлоқларни ободонлаштирайлик, айниқса районнинг марказини обод қилайлик, деди.

Шу нарса туртки бўлиб, К. Маркс номли жамоа хўжалиги марказидаги ташландиқ жойда миллий услубда чойхона қурилди. Чойхонаки, вилоятда битта. Баланддан кўзга ярқ этиб ташланадиган «Алпомиш» савдо маркази қад кўтарди. Авлиё Хўжа Абдираҳмон Авфий мачитининг тубдан қайта таъмирланиши, тўғриси, райондаги энг савобли ишлардан бўлди.

— Ҳозир бозор қуриляпти. Бозорнинг қошида — омборхона. Бозорнинг қошида — 50 ўринли меҳмонхона, чойхона. Усталарнинг ҳафсаласини айтинг: ҳар битта ғиштга безак бериляпти.

Бу ишларнинг ҳаммаси яхши. Лекин қуруқ иморатдан кўз тўймайди, қорин тўймайди. Маҳсулот керак. Маҳсулот эса, бугун ўзингиз билгандай.

Районнинг ҳокими А. Лапасов бўшаб қолган магазинларни ишлаб чиқариш цехларига айлантирамиз, деди. Район матлубот жамияти ноозиқ-овқат маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжаллаб корхона очди. Беш кишини Андижонга ва Ғузорга ўқишга юборди. Пулнинг юзига қараб ўтирмасдан мато тўқийдиган 8 дона японча машиналарни харид қилди. Мана бугун Абдусамад Шердонов деган уста ўша машина билан бир кунда 15 дона пайпоқ тўқияпти. Саккиз машина тўхтамасдан ишлаяпти.

— Биз хўжалик ҳисобида ишлаяпмиз, — деди цех бошлиғи Д. Пайғамов. — Шу йилнинг ўзида 410 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Яқин орада симли атлас тўқий бошлаймиз. Корхонамиз тикувчилик фабрикасига айланиб кетса ажаб эмас.

Райондаги Куйбишев номли жамоа хўжалигини эса саноатлашиб бораётган хўжалик дейишади. Раис Биноқул Йўллиев юқоридан фармойиш қутмади. Чет элникими ёки ўзимизники бўлсин технология сайламади. Бундан уч йил илгари 149 минг сўмга ғишт заводи, 40 минг сўмга хумдон қурди. Бугун ўша майдагина завод хўжаликка йилига уч миллион сўм даромад бераяпти.

Хўжаликда ип йигириш, мато тўқиб, кийим-кечак тикиш цехининг ишлаб турганини айтинг. Шу цехнинг ишчиси Саида Мўминова илгари теримчи эди. Бугун дастгоҳда ишлаяпти. Оддийгина машинада мато тўқияпти. Машинани унча-мунча қўл кучи сарфлаб ишлатмоқ керак. Бу энди Саидага малол келаяпти. Саида автоматикани бошқармоғи керак. Оддий қизалоқнинг нияти баландлигини кўрингда.

Биз район маҳаллий саноатининг марказлашган цехида бўлдик. Маҳаллий саноатчиларнинг семинари муносабати билан бу ерда ташкил этилган кўргазмани томоша қилдик. Кўргазмага қўйилган миллий кийим-кечакларни, гилам, сандиқ, ошланган тери, чарм, новвот, парвардани айтиб ўтирмайлик. Лекин Шўрчи пойабзал фабрикасида тикилган бежирим туфли энди бу Сурхондарё учун чинакамига янгилик! Ҳа, теридан ултон тайёрлаш, чарм тайёрлаш, чармдан сув ўтмайдиган чориқлар тикиш аллақачон унутиб юборилган вилоятда замонабоп пойабзал ишлаб чиқарилаётир.

Шу ўринда мен Шўрчи ҳокими Э. Шерматовнинг бир гурунгда, пойабзални 1992 йил бошидан Италия технологияси асосида кенг кўламда ишлаб чиқара бошлаймиз. Йилнинг иккинчи ярмидан Шўрчининг ёрлиғи билан кроссовка чиқарилади. Бўлажак калиш заводимизда автомобиль шиналарини, турли хил резинадан буюмларни тайёрлайдиган бўламиз, деган гапларини эслайман.

Хуллас, Шўрчи ишбилармонлари Югославия ва Покистон мутахассислари билан тил топишиб кетдилар. Вилоят маҳаллий саноат бошқармасининг бошлиғи Т. Салоҳиддинов бошлиқ бир гуруҳ кишилар Хитойга сафар қилди. Сафардан мақсад — тўқимачилик қўшма корхоналарини очиш. Деновда давлат режасидан тўрт-беш марта чиқарилиб, яна қурилаётган совун ишлаб чиқарадиган цехдаги бунёдкорлик ишлари яхшиланганга ўхшайди. Сариосиё шиша буюмлар заводи, қурилиши дуруст суръатлар билан давом эттирилмоқда. Цемент заводини, ҳатто, қанд-шакар заводини қуриш хусусида хосиятли гаплар бўляпти.

— Бу нарсаларни ҳали ютуқ деб бўлмайди. Бу нарсалар ҳали олдимизда турган катта ишларнинг бошланиши, холос, — дейди вилоят ҳокими. — Эл бўлсин, улус бўлсин, ўзини эпласин. Ўзини ўзи обод қилишга ўргансин. Мақсадимиз шу ҳикматни амалга оширишга қаратилгандир.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎЗ— ҚЎРҚОҚ, ҚЎЛ— БОТИР

ҲАМ СТИПЕНДИЯ, ҲАМ МУРУВВАТ

Фарғона район партия кенгаши қишлоқ мактабларининг иқтидорли ўн нафар ўқувчисини ўз кафиллигига олди. Келгуси ўқув йилидан бошлаб, уларнинг ҳар бирига ойига 100 сўмдан стипендия берилади. Бу болалар аввалига ўрта мактабларда, сўнг олий ўқув юртларида яхши таълим-тарбия олишлари учун партия кенгашининг хайрия жамғармасидан ўн минг сўм маблағ ажратилди.

Район партия кенгаши ўтказаётган хайрия тадбирлари яна бир жиҳат билан бойиди. Водил қишлоғидаги 4-ўрта мактаб район партия кенгашининг тарихий, бадиий ва сиёсий адабиётлар, қомуслардан иборат 2800 сўмликдан зиёд туҳфасини қабул қилиб олди.

Айни вақтда район партия кенгаши ўз эҳтиёжидан ортиқча бўлган ва таълим-тарбия жараёнида фойдаланишга мўлжалланган магнитофон, фильмоскоп ва стол-стулларини ҳам қишлоқдаги болалар боғчалари ҳамда мактабларга хайрия қилиб берди.

А. ХАЛИЛЖОНОВ.

ФАХРИЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

● УРУШ ва меҳнат фахрийлари Урганч шаҳар ташкилотининг навбатдаги пленуми бозор иқтисодиёти шароитида кексаларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига бағишланди.

Бу борада шаҳарда бирмунча ибратли ишлар қилинганлиги таъкидлаб ўтилди. Наврўз ва меҳр-шафқат хайрия жамғармаларидан тўпланган маблағнинг бир улуши кам таъминланган уруш ва меҳнат фахрийларига ҳам берилди. Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва иштирокчиларининг нафақа миқдори ўртача 700 сўмга етказилди. 1 ва 2 гуруҳ ногиронларининг ўртача ойлик нафақаси эса 1750 сўмни ташкил этяпти. Ўнлаб фахрийларга Амударё этакларидан томорқа ер ажратиб берилган.

Шунингдек, фахрийлар бошқа қатор имтиёзлардан ҳам фойдаланишяпти. Жумладан, арзонлаштирилган ҳолда гўшт сотиш, махсус дўконларда навбатсиз ва талонсиз зарур молларни тақсимлаш ҳам йўлга қўйилган. 500 нафардан кўпроқ фахрий эса шахсий енгил автомашиналари учун ҳар бир литри 2 сўмдан ёнилғи харид қилиш имконига эга. Шаҳар ҳокимияти ва фахрийлар ташкилоти яна кўпгина савобли юмушларни ижобий ҳал қилишга эътибор беришяпти.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

• БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРДА

ЭЪТИҚОДДА ҲИКМАТ КЎП

● Бугунги кунда фикрлар қарама-қаршилигига, кескин сиёсий курашлар жараёнига кўникиб қолдик. Айниқса, кўп партиялилик юзага келгандан буён амалий иш ўрнига таъна-дашномлар, «ковла-ковла»лар, сафсатабозликлар авж олди. Хусусан, аввалига КПСС фаолиятига тош отган гуруҳлар бугунга келиб ХДПга ҳам маломат ёғдиришга уринмоқдалар.

Менимча, бу табиий ҳолдан ваҳимага тушишнинг ҳожати йўқ. Биринчидан, ҳали илгаритдан мерос бўлиб қолган қусурлардан ҳали эмасмиз. Иккинчидан, биз ана шу камчиликларни бартараф этиш йўлларини топиб олдик. Бундан ташқари сиёсий қарашини кун азмойишига қараб ўзгартираётган гуруҳларни давр оқими вақти келиб қирғоққа чиқариб ташлайди.

Сиёсий курашлар ўз йўлига-ю, биз одамлар ўртасида ишлашни ўрганишимиз керак. Миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, ҳамдўстлик, маънавий юксакликни тарғиб этиш халқ орасига киришнинг синовдан ўтган самарали усулидир.

Олдиндан айтиб қўяй: жамоамизда Халқ демократик партиясининг 300 нафарга яқин аъзоси бор. Демак, у вилоятдаги энг йирик бошланғич партия ташкилотларидан бири ҳисобланади. Айримлар «бу ерда ҳам ёппасига қабул бўлипти-да» деб ўйлаши мумкин. Аслида ундай эмас. Одамларнинг ўзи ХДПга мойиллик билдиришди. Жамоамиз ҳозирги шароитда Халқ демократик партияси, хусусан унинг Раиси, жумҳурият Президенти Ислом Каримов тутган йўлни, партия Низоми ва ҳаракат Дастурини ўзларига маъқул кўрдилар. Илгари ҳеч қайси партияда турмаган бош врач С. Вафоқулов, у кишининг ўринбосари собиқ КПСС аъзоси М. Турдиева биринчи бўлиб ариза беришди ва бошланғич ташкилотимиз сафининг кенгайишига ёрдамлашдилар. 12 нафар КПСС аъзоси сафимизга келиб қўшилди.

Баъзилар «Хўш, КПСС фаолият кўрсатган пайтда нима каромат кўрсатди-ю, янги партиядан нимани кутиш мумкин?» дейишяпти. Авваламбор ғоясиз яшашнинг ўзи қизиқарли эмас. Қолаверса, янги партия халқимизга янгича яшашни тарғиб этяпти. Жумладан, вилоят, шаҳар ва район кенгашлари котиблари билан истаган пайтда боғланишимиз, мулоқот қилишимиз мумкин. Аввалгидагидек ҳар куни кўрсатмалар, дастурлар келмайди. Мажлисбозлик йўқ. Ягона Низом ва Дастур асосида ўз шароитимизни ҳисобга олиб ишлаяпмиз.

Асосий эътиборни жамоада соғлом ишчанлик вазиятини барқарор этишга қаратганмиз. Бир йилдан буён барча бўлимлар бригада пудрати асосида ишлашяпти. Касалхона ҳовлиси, палаталар доимо сарамжон-саришта. Энг муҳими даволаш жараёнида ҳатоликларга йўл қўйилмаяпти. Бугунги кунда шифохонамиз вилоятдаги намунавий тиббий масканлардан бирига айланган. Бунда ХДП аъзоларидан С. Асанов, З. Ханимов, Т. Рустамова, О. Ивашкина, М. Ёрмуҳаммедова, Е. Игонкина, Э. Саранцева, В. Семёноваларнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Хуллас, бошланғич партия ташкилотимиз жамоаси Халқ демократик партияси нималарга қодир эканлигини ўз амалий фаолиятларида яққол намойиш этмоқдалар.

О. МАРКАРОВА,
Самарқанддаги юқумли касалликлар шифохонаси бошланғич партия ташкилоти котиби.

• ТИЛ КЎЗГУСИ

ҚАЙСИ БИРИ МАЪҚУЛ?

Муҳтарам газетхон!

«Ўзбекистон овози» газетнинг олдинги сонларида эълон қилинган русча-байналмилал атамаларнинг ўзбекча муқобиллари рўйхатига Сизлардан кўплаб хатлар, таклифлар олдик. Бунинг учун Атамашунослик қўмитаси ва газет таҳририяти сизларга ташаккур изҳор этади. Газетхонлар билдирган таклифлар атамаларнинг ўзбекча муқобилларини тўғри танлашга ёрдам бермоқда. Бу йўлнинг самарали эканлигини ҳисобга олиб, яна бир қанча атамалар рўйхатини эълон қилмоқдамиз. Уларга ўз муносабатингизни билдирасиз деган умиддамиз.

Актив — **фаол**
актуал — **долзарб**
акционер — **ҳиссадор**
анархия — **бошбошдоқлик**
бизнесмен — **пултопар, топпармон**
бирка — **тижоратгоҳ**
вокзал — **шоҳбекат**
диалог — **мулоқот**
дотация — **ёрдампул**
кафедра — **минбаргоҳ, таҳсилгоҳ (олий таълимда)**
коллегия — **ҳайъат**
конкурс — **танлов**
консультант — **маслаҳатчи**
пассажир — **йўловчи**
план — **режа**
план — **тарҳ, чизма**
рецепт — **дорнома (тиббиётда)**
станция — **бекат**
территория — **ҳудуд**
транспорт — **транспорт**
туризм — **туризм**
фонд — **жамғарма**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси.

Манзилимиз: 700170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9-уй. Телефон: 62-55-05, 62-27-56.

*

Малоҳат Раҳимова Тўрткўл ип йигирув-тўқув комбинатида ишлайди. Ёшларга хос шижоати, ташаббускорлиги билан ҳамкасблари эътиборини қозонган. Моҳир тўқувчи зиммасидаги ойлик топшириқларни доимо, муддатидан илгари уддалашга одатланган.

Суратда: Малоҳат Раҳимова.

Суратка ш Б. АЛЛАШЕВ.

*

ЎЗБЕК ДЕҲҚОНИНИНГ МАТОНАТИ

● Сиз ўзингизнинг ҳалол меҳнатингиз билан ҳар йили юз бериб турадиган табиий офат оқибатларини тугатиб келасиз. Табиат инжиқликларига қарши матонат, тадбиркорлик ва жасоратни ишга солиб, бу йилги ҳосилга ҳам мустаҳкам замин яратайлик.

● Умуман республикамиз бўйича жами пахта майдонларининг ярмидан зиёди зарар кўрди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча ортиқдир. Энди ана шу майдонларнинг учдан бир қисмига қайтадан чигит экишга тўғри келади. Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида эса 70 фоизгача майдонларга қайта чигит экиляпти.

● Азиз пахтакорлар! Мўл ҳосил ҳар бир ниҳолдан олинишини яхши биласиз. Шу боис зарур бўлган жойларга чигитни тезроқ қайта экиб, тўлиқ гектарлар ҳосил қилинг. Айниқса, ғўзанинг тезпишар, касалликларга чидамли навлари чигитини экишга эътиборни кучайтиринг.

● Қатқалоқни ўз вақтида тугатиб, қатор ораларини юмшатиш талаб этилади. Касаллик қўзғатувчи микроорганизмларни химиявий йўл билан йўқ қилиш, илдиз чириш касаллигининг олдини олиш зарур.

● Боғларда аввало ҳосилнинг қанча қолганини аниқлаш, уларни тўла сақлаб қолишга ёрдам берадиган агротехник тадбирларни тўғри белгилаш лозим. Ҳосили нобуд бўлган дарахтларнинг қаровсиз қолишига йўл қўймаслик даркор. Ғоҳзорларда эса совуқ урган навдаларни олиб ташлаш, қатор ораларини юмшатиб ўғит бериш, суғориш муҳимдир.

● Дала меҳнаткашлари катта синовдан ўтмоқдалар. Ўйлаймизки, улар бой тажриба ва маҳоратларини ишга солиб аҳволни ўнглаб оладилар.

ТАБИИЙ ОФАТ ОҚИБАТЛАРИ ТУГАТИЛМОҚДА

ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ ФИДОЙИЛИГИ

Табиий офат уйчилик деҳқонларни ҳам синовдан ўтказди. Ғўза ниҳоллари эндигина кўкка бўй чўзаётган бир пайтда кутилмаганда қаттиқ жала ёғиб ўтди. 9136 гектар пахта майдонининг 7261 гектари шикастланди. Шундан 1300 гектардан зиёди қайта экилди. Табиий офатдан «Қизилравот», Ш. Рашидов номли давлат хўжаликлари, Охунбобоев номли жамоа хўжалиги жиддий зарар кўрди. «Қизилравот» давлат хўжалиги инкубаториясидаги 8 минг жўжа нобуд бўлди. Район бўйича 255 тонна минерал ўғитни сув босди. Ачинарлиси 87 хонадон табиий офатдан зарар кўрди. 6 хонадонни сел босиб яшаб бўлмайдиган ҳолатга келди.

Табиий офат рўй берган куниёқ район ҳокимияти қошида махсус комиссия тузилиб, офат оқибатларини бартараф этишга киришилди. Олти оилага бепул уй-жой қуриб беришга киришилди.

— Табиий офат рўй берган куниёқ барча кучлар бирлашиб, уни бартараф этишга киришдик, — дейди район Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, район ижроия комитети раиси М. Абдуллаева. — Айни пайтда қатқалоқлар кўчирилиб, қайта экилиши лозим бўлган жойларга барака уруғи қадаб бўлинди.

Биз «Қизилравот» қишлоқ кенгашидаги Янгиариқ маҳалласида бўлиб, уй-жой қураётган қурувчилар ҳузурида бўлдик. Улар тиним билмай астойдил меҳнат қилишмоқда. «Наманганводстрой» трестига қарашли қурилиш ташкилоти, «Наманганирстрой» трести ҳамда «Узколхозстрой»нинг 132-, 138-, 141-механизациялашган кўчма колонналари жамоалари охирги ишларни ниҳоясига етказишмоқда. Тез орада бу уйларга табиий офатдан жабр чекканлар кўчиб киради. Ҳозир учта уй тайёр бўлди. Уларни пардозлаш ишлари давом этяпти. Биз бу ерда ХДП район кенгаши биринчи котиби Т. Муродовни учратдик.

— Биз район пилласини оталиққа олганмиз. Табиий офат рўй берган куни бу ерга етиб келиб, биринчи галда одамларга ёрдам бердик. Сўнгра, чорва ҳайвонлари, пилла қуртини сақлаб қолишга киришдик. Тўрт қути ипак қуртини шикастланган хонадонлардан бошқа уйларга кўчирдик. Қурт уруғларини қўниқўшнилар тақсимлаб олишди. Бирорта одам мол-ҳоли, пилла қурти шикастланганини йўқ. Бу ерда ХДП район кенгаши аъзоси, қишлоқ кенгаши раиси А. Эргашев барча ишларда бош-қош бўляпти. Умуман, партия аъзолари фидойилик, ташкилотчилик кўрсатишяпти.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Арнасой районидаги Ю. Фучик номли давлат хўжалигида Мусулмонқул Кепаков етакчилик қилаётган бўлимнинг Янгибой Жалолов бошлиқ маккажўхоричилик звеноси аъзолари бу йилги табиат қийинчиликларини мардонавор енгиб, 35 гектар майдонда ҳосил етиштирмоқдалар. Уларнинг нияти — ҳар гектар майдондан режадаги 40 центнер ўрнига 60 центнердан дон олиш.

Суратларда: 1. Илғор механизатор Бахтиёр Жалолов. 2. Мусулмонқул Кепаков ва звено бошлиғи Янгибой Жалолов. 3. Маккажўхорига ишлов бериш пайти.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

● ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ

ҲАММАСИ ҲАРАКАТГА БОҒЛИҚ

Тошкент вилоятида рўй берган табиий офат деҳқонлар ташвишини орттирди. Бекободда ёққан сел, Бўстонлиқ ва Паркент туманлари тоғли зоналарига тушган қор оқибатлари 410 миллион сўмлик зарар билан ўлчанмоқда. Чиноздa ёққан дўл келтирган зиён бу ҳисобга кирмайди. Хуллас, фавқулодда мураккаб вазиятда табиий офат оқибатларини бартараф этиш юзасидан кўрилаётган тадбирлар бошида вилоят ва туманлар ҳокимиятлари, Ўзбекистон ХДҲ кенгашлари, деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар туришибди.

Раҳим Нурматов, Тошкент вилояти деҳқончилик-саноати уюшмаси раиси: — Бекободда рўй берган қаттиқ шамол ва сел кўплаб хўжаликлар иқтисодиётига катта зарар келтирди. Фақат пахта далаларининг ўзидагина 3,5 минг гектар майдонда чигитни қайта экиш зарурати пайдо бўлди. Бўстонлиқ ва Паркент тоғлиқ жойларига ёққан қор оқибатида токзорлар, озуқабоп экинлар, картошка, мевали боғлар, сабзавот ва бошқа экинлар жиддий шикастланди. Гарчанд юқоридаги учта туман энг кўп зарар кўрган бўлса-да, лекин бу кўнгилсизликни уларга қўшни бўлган туманлар қишлоқ хўжалиги ҳам татиб кўрди. Вилоят бўйича 20 минг гектар ердаги ғўза, 2 минг гектардаги маккажўхори, 1700 гектар майдондаги сабзавот экинлари қаттиқ талофат кўрди. Чиноздa ёққан дўл эса 1,5 минг гектардан зиёд ердаги ғўзага зиён етказган.

Бундай вазиятда қандай ҳаракат қилиш, нималарга алоҳида эътибор бериш, қайси туман ёки хўжаликларга биринчи ёрдам кўрсатиш зарурлиги тўғрисида бош қотиряпмиз. Уюшмада зудлик билан тузилган штаб аъзолари юқоридаги саволларга жавоб беряптилар. Ёнилғи, ўғит, техника ва эҳтиёт қисмларидан ёрдам берилмоқда. Бунда биринчи галда ички имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилинаётир. Тўйтепада навбатдан ташқари ўтказилган йиғилишда пахта етиштирувчи туманлар деҳқончилик саноат уюшмалари раислари, мутахассислари қатнашдилар. Анжуман қизғин ўтди. Табиий офат оқибатларини бартараф этиш юзасидан амалий таклифлар айтилди. Пировардида мақсад бир жойдан чиқди. Яъни, иложи борича қайта экишга йўл қўймасдан борини сақлаб қолиш зарур. Бунинг учун ғўзани озиқлантириш, ишловга зўр бериш кераклиги айтилди. Намгарчиликдан илдизи чириган ғўза ниҳоллари ўрнига бошқатдан чигит экишга келишиб олинди. Агар ҳамма қарталар қайта экиладиган бўлса, унда пахта ҳосили 10—12 кунга кечикиши уқтирилди.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Бекободдаги шамол ва селдан шахсий хонадонлар, жамоат бинолари ҳам зарарланди. Уларга қурилиш материаллари, моддий ёрдам кўрсатишда қийинчиликлар пайдо бўлмоқда.

Анатолий КИПОРЕНКО, вилоят мева-сабзавот ишлаб чиқариш давлат-кооператив бирлашмаси раиси ўринбосари: — Талофат кўрган токзор, боғу-роғлар ва бошқа экин майдонларида ташкилий ишлар кўлами ортиб бораётир. Фақат Бўстонлиқ, Паркент туманларида шикастланган етмиш фоиз токзорлар учун 733 тонна азот ўғити зарур бўлади. Мақсад — совуқдан нимжон бўлиб қолган ток асосий навдаларини озиқлантириш йўли билан парваришлаб, уларни кейинги йил ҳосилига тайёрлашдан иборат. Зарарланган мингдан гектар ердаги маккажўхори, янги беда, сабзавот кўчатларини қайта экишга ҳозирлик кўряпмиз.

Бирлашма яна бир муаммо устида иш олиб боряпти. У ҳам бўлса ижарачилар тақдири хусусида. Талафот кўрган туманларда ижарачиларга қийин бўлди. Улар йил якунида ҳосил ололмай қолишлари мумкин. Биз ана шуларни ҳисобга олиб, уларни моддий жиҳатдан муҳофаза этаётирмиз. Токи, катта куч бўлган ижарачилар тажрибасидан келгусида ҳам самарали фойдаланайлик.

Отабек РУСТАМБЕКОВ, вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси бошлиғи: — Табиий офатдан зарар кўрган майдонлар албатта қайта ишловга муҳтож. Шу боис кимёвий ўғитлар тахт қилиб қўйилган. Буюртма берган хўжаликларга у пешма-пеш жўнатилмоқда. Мутахассисларимиз экинларга ишлов бериш нормативларини ишлаб чиқиб, тавсиялар бермоқдалар. Қатор туманлар токзор, мевали боғларида, беда майдонларида ҳашоратларга қарши кураш уюшқоқлик билан олиб борилаётир. Вилоят бўйича шу пайтгача қарийб саккиз минг гектар боғ, икки минг гектардан зиёд токзор, тўққиз минг гектар ердаги бедазорга кимёвий йўл билан ишлов берилди.

Айни пайтдаги вазифамиз кўлами кенг. Ёғингарчиликдан кейин пайдо бўладиган турли ҳашаротларга қарши курашга шай бўлиб турибмиз. Биолабораториялар билан доимий мулоқотимиз ўз самарасини беради, деб ўйлаймиз.

Суҳбатдош:

А. МАННОПОВ.

Рўзнома саҳифаланаётган пайтда Бекободдан хабар келди. Ўтган шанба куни Ойбек номли давлат хўжалигининг 2, 3, 4-бўлимларида офат юз берди. Бу ерда кучли сел ёғди. Сув дарёдек тошиб экинзорларни ювиб кетди. Хонадонларга ҳам сув хуруж қилди.

Лекин меҳнат аҳли бу офатдан довдираб қолмади. Бутун халқ офатга қарши оёққа турди. Қутқарув отрядлари тузилди. Бошпанасиз қолган оилалар учун 30 та вагон уй келтирилиб, улар озиқ-овқат билан таъминланяпти.

Райондаги барча ташкилотлар жабр кўрганларга ёрдамга шошиляпти. Бекобод цемент заводи жамоаси зарар кўрганларга шифер ва цемент етказиб беряпти. Тошкент вилояти давлат банки бошқармаси қошида махсус ҳисоб очилди. Бу ҳисобга маблағ туша бошлади. Шу ҳисоб рақамини эслатиб ўтамиз: 000709302.

ҚИСҚА МУДДАТДА

Бу йил табиат кўп инжиқлик қиляпти. Кунора ҳавонинг авзои бузилиб, ёмғир ёғиб турибди.

— Апрелда вилоятимиз бўйича 8 минг гектардан зиёд ғўза ниҳоли, салкам икки минг гектар боғ ёмғир ва дўлдан катта зарар кўрганди, — деди Андижон вилояти ҳокимининг муовини Бахтиёр Олимжонов. — Баъзи майдонларни бузиб, қайта чигит эккандик. Қатқалоқ босган экинлар тагини юмшатиб, дарҳол озиқлантиргандик.

— Дўл ва сел чорвадорларнинг ҳам тинчини бузиб турибди, — дейди вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси раисининг муовини Шароф Йўлчиев. — Биринчи табиий офатдан беш минг бош қўй, икки минг бош қорамол жабрланганди. Вилоят бўйича 1819 гектар маккажўхори, салкам уч минг гектар беда, 111 гектар қизилча ва бошқа озуқа экинларини лойқа босганди. Кечаги жала, сел ундан ҳам ўтиб тушди.

14 май оқшомида Андижон вилоятида яна табиий офат юз берди. Айниқса, қўрғонтепаликлар кутилмаган «ёв»га дуч келдилар. Ариқлар, каналлар бир зумда жала сувига тўлди. 5 минг гектардан зиёд экин майдони кўлга, кўчалар дарёга айланди. Тилсиз «ёв» 853 та хонадонга бостириб кирди, кўп уйлар сунъий «ҳавза»га айланди. Омонат деворлар қулаб тушди.

— Бундай ҳолат кўпроқ «Бирлашган», «Қорасув» жамоа хўжаликларида, «Савай» давлат хўжалигида юз берди, — дейди Қўрғонтепа район ҳокими Т. Бобохонов. — Қатор молхоналар, чўчқахоналар, фермалар шикастланди. Вилоят ҳокими Қ. Холмирзаев бошлиқ раҳбар ходимлар, ҳарбий хизматчилар, фуқаро мудофааси ходимлари, қурувчилар, транспортчилар, шифокорлар зудлик билан ёрдамга етиб келдилар. Офатдан зарар кўрган хонадонларда бўлдилар. Уларга шошилинч моддий ва маънавий ёрдам уюштирдилар. Бошпанасиз қолган оилалар юздан ортиқ вагон уйларга жойлаштирилди.

— Уйимни уч марта сув босди, — дейди «Савай»лик кекса пахтакор Абдусаттор Тошматов. — Бу галгиси оғир бўлди. Оилада 14 жонмиз. Бир амаллаб чорва молларимизни қутқариб қолдик.

Қўрғонтепада табиий офат оқибатларини бартараф этиш вилоят қароргоҳи (штаб) тузилди. Қароргоҳ ҳайъати (бошлиғи Қ. Холмирзаев) вилоятдаги йирик қурилиш ташкилотларига бошпанасиз қолган оилалар учун 60 та йиғма уй қуриш, вилоят фуқаролар мудафааси идорасига 100 та вагон уй топиб бериш, вилоят қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш бирлашмасига зарарланган экинларни сақлаб қолиш учун етарли миқдорда культиваторлар етказиб бериш, нефть маҳсулотлари тарқатиш бирлашмасига «Савай» давлат хўжалигига май ойи давомида бериладиган ёнилғи-мойлаш материалларини қисқа муддат ичида етказишни топширди.

Айни вақтда суғурта идораларига хўжаликлар ва кишилар табиий офатдан кўрган зарарлар миқдорини аниқлаб, уларга моддий ёрдамни тезлаштириш, вилоят ва Қўрғонтепа район матлубот жамиятлари ҳайъатларига табиий офат рўй берган жойларда иссиқ овқат ташкил этиш, белгиланган миқдордан икки ҳисса ортиқ ун, гуруч, ёғ билан таъминлаш вазифа қилиб қўйилди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТИКЛАШ ИШЛАРИ НИҲОЯЛАНЯПТИ

Илгари хабар қилганимиздек, Қашқадарё вилоятининг кўпгина районларида апрель ойининг охирларида рўй берган кучли жала оқибатларини бартараф этиш учун кураш кетаётганда 14 майда яна офат юз берди. Кучли жала дўл ва селни бошлаб келди. Тоғолди Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб, Деҳқонобод районларидаги кўпгина экин майдонлари сув остида қолди. Турар-жойлар ва жамоа бинолари қаттиқ шикастланди.

Табиий офатдан, айниқса, Яккабоғ райони катта талофат кўрди. Таҳминий ҳисоб-китобларга кўра, келтирилган зарар 160 миллион 154 сўмни ташкил этади. 235 хонадон сув ичида қолди. 37 километр йўл бузилди. 10 та кўприкни сув оқизиб кетди. Ҳозир қишлоқларда бошпанасиз қолган оилалар вагон уйларга, қариндош-уруғларникига кўчириляпти. Медицина пунктлари ташкил қилиниб, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Шаҳрисабз районида 300 та хонадон жиддий талофат кўрди. 2 та мактаб сув ичида қолди. 29 та кўприк, 15 километрлик йўл, алоқа ва электр тармоқлари шикастланди. Чорва моллари нобуд бўлди. Қўтон ва кошарлар бузилди.

Шунингдек, табиий офат Китоб, Деҳқонобод, Ғузор ва Муборак районлари халқ хўжалигига ҳам катта талофат келтирди. Хавфли вазият вужудга келганлиги туфайли Пачкамар сув омборидан секундига юз кубометр сув очиб юборилганлиги учун аҳоли пунктлари билан алоқа узилди.

Рўй берган офатни бартараф этиш учун вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Каримов раислигидаги фавқулодда ҳолат комиссияси қатор амалий тадбирларни ишга солмоқда. Шошилинч кўприклар ўрнатилиб, қишлоқларга транспорт қатнови йўлга қўйилди. Аҳолига шарт-шароит ва маданий-маиший қулайликлар яратиш билан бирга колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик экинларини қайта экиш, боғ-роғларни тартибга келтириш чоралари кўриляпти. Сел олган майдонларга чигитни қисқа муддатда қайта экиш учун барча ишчи кучи ва техника воситалари сафарбар этилди. Талофат кўрган хўжаликлар тезпишар ғўза чигити билан таъминланди.

— Меҳнаткаш халқимиз яна бир оғир синовни бошидан кечирмоқда, — дейди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Каримов. — Шу кунларда офат зарар келтирган жойларда алоқа, электр тармоқларини, йўл ва кўприкларни тиклаш ишлари ниҳоясига етяпти. Аҳоли ичимлик суви, озиқ-овқат билан таъминланяпти. Уларга медицина ёрдами кўрсатиляпти. Албатта, бу ишларда республика ҳукумати ва тегишли вазирликлар ҳам қараб туришгани йўқ. Улар ҳам бизга амалий ёрдам бермоқдалар. Натижада аҳвол ўнгланмоқда. Одамлар ваҳимага, тушкунликка берилмай аҳиллик билан бир-бирларига мадад қўлини чўзиб, ишлямоқдалар. Офатдан зарарланганларга моддий ёрдам кўрсатиш учун вилоят банкида 700-рақамли ҳисоб жамғармаси очилди. Давлат суғурта идоралари ҳам хайрихоҳлик билан иш тутиб, зиммаларига юклатилган вазифани сидқидилдан бажармоқдалар.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ ДОРИЛФУНУНИ
30 май соат 11да

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси (7, 11, 13, 32, 51-автубуслар; 2, 3, 6, 7, 12-троллейбусларнинг «Бешёғоч» бекати, метронинг «Ҳақлар дўстлиги» бекати).

ТЕЛЕФОНЛАР: 45-45-89, 45-43-46, 45-46-66.

«РЕСУРС» ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ «ТИЖОРАТ МАРКАЗИ» ҚИЧИК КОРХОНАСИ

РЕСПУБЛИКА ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИНИ

Ғарбий ва Шарқий Европа, Осиё давлатлари бўйлаб саёҳатга чорлайди.

Сафарга жўнаш ҳужжатларини расмийлаштириш, самолёт ва темир йўл билетларини сотиб олиш, борилаётган мамлакатда икки маҳал овқатланиш билан боғлиқ барча муаммоларингизни бизга қўйиб беринг.

Саёҳат учун совет сўмларида ва эркин муомаладаги валюта билан ҳақ тўланади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700152, Тошкент шаҳри, А. Икромов райони, 22-мавзе 13-уй. ТЕЛЕФОН: 74-89-06.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАР ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

доцентлар: олий математика, йўл машиналарини ишлатиш ва таъмирлаш (0,5), электр техника ва электроника асослари (2), чизма геометрия ва графика, кўтаргич-транспорт ва йўл-қурилиш машиналари ва ускуналари;

катта ўқитувчилар: педагогика ва муҳандислик психологияси, электр техника ва электроника асослари (3), олий матеатика (2);

ассистентлар: электр техника ва электроника асослари, олий математика (2).

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20-уй.



Станок балансировочный „eldis-1200„

Давлат корхонаси Сизга доимий яхши даромад манбаига эга бўлиш имконини беради!

Биз Сизга ўз корхонангизни очиб, ўз тақдирингизни ҳақиқий эгаси бўлишингизда ёрдам берамиз!

Жаноблар, Сизлар учун турли-туман автосервис ускуналари бор.

Шошилинг, жаноблар! Сизнинг даромадингиз учун биз бош қотирамиз!

МАНЗИЛИМИЗ: 700099, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 118-уй, 607-хона.

Телефон 34-25-81, ички телефон: 1-67.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика факультети жамоаси «Матбуот назарияси ва амалиёти» кафедрасининг мудири, доцент Б. Дўстқораевга онаси

Ҳанифа ХУРСАН қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти жамоаси катта илмий ходими Б. Сайимовга акаси

Йўлдош САЙИМОВнинг

вафоти этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика факультети жамоаси «Услубиёт ва таҳрир» кафедрасининг аъзоси, доцент Розия Қўчқортоевага онаси

Гулсум ХОЖИ қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзагроқурилиш» Республика ишлаб чиқариш давлат-ширкат бирлашмаси жамоаси 3-Сурхондарё вилоят агроқурилиш трестининг бошқарувчиси А. Бўтаевга отаси

Бўта АЛИМАРДОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• БОБОРАҲИМ МАШРАБ ТАВАЛЛУДИНИНГ 350 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

• Устозлар наздида

ОЙБЕК

МАШРАБ

Сочлари патила, кўзлари махмур.
Кўзларда сачрайди қора, кучли нур.
Саратон қуёши, қиш изғирини
Ишламиш юзларнинг маъно, сирини...
Давлати—қалб шеъри ва эски танбур.

Қулоҳдан тошарди жингалак сочи,
Мағрур ва кўркамди ҳар қачон боши.
Ташир ҳам қиш, ҳам ёз бир қўсқи пўстин
(Унда қолмагандир ямоқсиз ўрин).
Белида катакон бир нос қовоғи...

Саҳроларни ошар бир шамол каби,
Кеча ҳам кундуздай тутмас пардани.
Оёқлари учун тиканлар майса.

Қумлар оғирлиги унга бир пайса...

Илҳоми ва сози — ёлғиз ҳамдами.

Бир ҳовуч сув ютиб тоза чашмадан,

Ясланар тошларга, ёзилар бадан.

Осмонни бир томчи мовий ёш каби

Эритар кўзларнинг жонли оташи;

Тақир тошларда у кўрарди чаман.

Ана, шоир келар... Бир тўда бола —

Унинг орқасидан ажралмас соя.

Кўзлар акс этади муҳаббат, мароқ,

Уни билиш қийин: гўё жуфти, тоқ.

Асрлар кўрмаган ажиб девона.

Олтин танга тутар қандайдир бир зот.

Пичинг ила кулиб, отар шоир бот.

Танга аллақайда жаранглар тошда,

Бундай шираларга қўнади пашша!

Усиз сеҳрлидир, рангиндир ҳаёт!..

Тўхтаб у: «Гулхан сол!»— дейди бировга,

Ўзи кўп эпчилдир ўтин қаловга.

Оловни ҳам дудни севади шоир,

Кафтида чўғларни ўйнатар моҳир.

Қуёш жилвасини кўрар оловда.

Мана, чекканда у тўлиқ завқ билан

Каттакон чилимнинг тош тўпписидан

Бир қарич ўт учар, тутунлар — булут...
Қўллари ёқада, баъзи дер: «чулчут!».
Баҳс этар баъзилар шоир сиридан.

Чилим тугар, сўздан созга келар гал,
У қаттиқ чертаркан ўқийди ғазал.
Жаранглар ҳавода баланд хуш овоз,
Ҳаммаси табиий, унда йўқ пардоз,
Руҳларнинг қаърида ёқади машъал...

Қочади ҳар ерда кошоналардан,
Шоҳ дўстлар чиркинроқ бегоналардан.
Ис босган кулбада топар ранг, зиё,
Хон қизи бўлолмас ишқига Лайло.
Қидирар қуёшни майхоналардан

Булутдай кезса халқ ичидан шоир,
Хотираси қуёш каби қоладир.
Қўнгли кўтаргунча ҳар даргоҳ — гулшан.
Билинмас нашъаси, ғами нимадан.
Ҳаёти минг қуроқ бир афсонадир.

1937 йил.

ТУҲФА

У халқ орасида бекорга Шоҳ Машраб номини олмаган эди. Ҳамма шоирлар ҳам шоҳ, малик лақабларини олишга муяссар бўлавермаган. Шоирни халқ мўъжизакор авлиёлар қаторига қўшди, унинг ҳақида кўплаб ривоятлар тўқилди. Уни халқ Девона Машраб деб ҳам бежиз айтмаган. Шоир бутун умрида дунё лаззатидан воз кечди. Девоналик жандасини кийиб олиб, шаҳарма-шаҳар, юртма-юрт кезди. Халқ орасида, бева-бечора камбағал-қашшоқлар томонида бўлди. Шоҳлар саройини ўзининг ҳамду санолари билан безамади, мулкдор бойлардан узоқда юрди. Шунинг учун Машрабни оддий халқ севди, орқасидан эргашди, шеърларини севиб ўқиб, қўйларга солиб тинглади.

Улкан тўй арафасида Машрабнинг анча тўлдирилган, аввалги девонлардаги нуқсонлар деярли тузатилган янги девони «Меҳрибоним, қайдасан» номи билан Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилди. Девонни самарқандлик муаллим Жалолиддин Юсупов нашрга тайёрлаган ва унга сўнгги сўз ёзган. Девон Н. Комилов ва Ғ. Саломовнинг «Шоири аналҳақ» муқаддимаси билан бошланади.

Девонга 225 ғазал, 18 мустазод, 4 та мураббаъ, 39 мухаммас, иккита мусаддас, битта мусаббаъ киритилган. Китоб охирида «Қисқача луғат ва изоҳлар» ва шоир девонларидан араб хатидаги намуналар ҳам илова қилинган.

Девонни варақлаб, ундаги шеърларни кўздан кечириш бизда китоб ҳақида ижобий таассурот қолдирди. Ж. Юсупов бу девонни шошилинч, пала-партиш ва бепарволик билан тузмаган. Унинг ёзишича, узоқ йиллар давомида ЎзФА Шарқшунослик институтидаги Машраб шеърлари киритилган турли тўплам ва баёзларни мутолаа қилган, ўзининг шахсий кутубхонасида сақланаётган девонларни улар билан муқояса этган. Бадиий адабиётда девон шоирнинг радиф ва қофияларга тўла риоя қилинган ҳолда, байтнинг охирги ҳарфини ҳисобга олиб, олифбо тартибида тузилган тўлиқ тўплами. Девонлар тузиш арабларда бошланиб, XII асрлардан бошлаб форсий ва туркий тилларда ижод этган шоирларда ҳам одат тусини олди. Девонни шоир кўпинча ўзи тириклигида тузган. Масалан, Саъдий Шерозий, Амир Хуврав Деҳлавий, Хўжа Ҳофиз, Камол Хўжандий, Жомий, Навоий, Бедил каби шоирлар ўз девонларини тузиб кетганлар. Девон тузишга улгурмаган шоирлар девонини улар вафотидан кейин шогирдлари, яқин кишилари, баъзан фарзандлари тузганлар. Машраб ўз девонини тузгани маълум эмас. Унинг қисман шеърлари «Қиссаи Машраб» деб аталиб келаётган китобда тартибсиз, яъни алифбо сирасига солинмаган ва шеър турларига бўлинмаган ҳолда берилган. Унинг шеърлари яна турли-туман тўпламлар, баёзларда ҳам учрайди. Шуни ҳам айтиш керакки, «Қиссаи Машраб»ни девон деб аташ тўғри эмас, чунки, у девон тузиш талабларига жавоб бермайди.

Агар бу янги «Девон»ни В. Раҳмонов ва К. Исроилов тузган «Девон» билан ҳажм жиҳатдан қиёс қилсак, бу ерда 29 ғазал, 9 мухаммас, бир мусаддас, битта мураббаъ ортиқ берилган. Ж. Юсупов тузган мазкур девоннинг яна бир муҳим томони шуки, у аввалги девонларда баъзан нотўғри кўчирилган айрим шеърларни тўғрилаш вазифаси уддасидан чиқа олган. Бу ҳақда ношир китоб охирида «Бобораҳим Машрабнинг шеърий мероси ва унда котиблар, ноширлар томонидан йўл қўйилган хатолар ҳамда бу хатоларнинг хусусиятларига кўра турлари, матн хатоликларини тузатишда амалга оширилган ишлардан баъзи намуналар ва мулоҳазалар» деган кичик сарлавҳа остида В. Раҳмонов ва К. Исроилов томонидан тузилган «Девон» билан мазкур янги «Девон»га киритилган баъзи шеърлардаги фарқларни айтиб ўтган.

Аввалги «Девон»даги бир қанча тушиб қолган байтлар янги «Девон»да тўлдириб кетилган: «На қилай» радифи билан бошланадиган ғазалда охирги

«Бир худодин ўзгаси
барча ғалатдир, Машрабо,
Гул агар бўлса қўлимда,
ул тиканни на қилай»

байти аввалги «Девон»да йўқ. Бу ерда Худо номидан чўчиб тушириб қолдирилган бўлса керак. Аввалги «Девон»да тушириб қолдирилган «Ўртар» радифли ғазалнинг бир байти, «Қолдим» радифли ғазалнинг икки байти, 246-бетдаги мустазоднинг охирги мисраси, 265-бетдаги мураббаънинг учта тўртлиги, 266-бетдаги мураббаъдан тўртта тўртлиги, 267-бетдаги мураббаъ-нинг иккита тўртлиги, «Бўлмагунча» радифли мухаммаснинг бир бешлиги, «Беҳроқ» радифли мухаммаснинг олти мисраси, «Фалак» радифли мухаммасдан пайғамбарларга оид 8 та бешлик, 294-бетдаги мухаммаснинг охирги ва 300-бетдаги мухаммаснинг охирги Машраб тахаллуси ёзилган бешликлари ва бошқа бир қанча байтлар янги «Девон»да тўлдириб кетилган. Булардан ташқари илгариги «Девон»даги котиблар хатоси билан бузилган ёки девон тузувчилар томонидан нотўғри ўқилган жуда кўп сўзлар ва ибораларни янги девонда бошқа қўлёзма нусҳаларга қиёслаб, тўғрилаб кетилган.

Шунчалик синчковлик билан девон тузган Ж. Юсупов аввалги девондаги анча хатоларни тузатиши билан бирга янги девондаги баъзи камчиликларни нима учундир аввалги девондан олиб тўғрилаб кетмаган: аввалги «Девон»нинг 58-бетидаги биринчи байти «қолди» билан тугайдиган, 73-бетдаги «Керак», 96-бетдаги «Келтурмишам» радифли ғазаллар, 379-бетдаги «жаҳондурман» қофияси билан бошланадиган беш банддан иборат, 280-бетдаги «саодатим» қофияси билан бошланадиган тўрт банддан иборат мухаммаслар янги «Девон»га киритилмаган. Янги «Девон»даги айрим ғазаллар ва бир мухаммас охирида Машраб тахаллуси учрамайди. Демак, бу ғазаллар ва мухаммас чала, уларни бошқа нусхалардан топиб тўлдириш керак эди.

Ж. Юсупов Машрабнинг туғилган йили ва жойи масаласида бир томонлама ёндашиб, сўнгги янги тадқиқотлар хулосаларини ҳисобга олмаганлиги сезилади.

Машраб таваллуди тантаналари кунларида бу китобни яхши безакли муқова билан, сифатли қоғозда босиб чиқариш керак эди.

Булардан қатъи назар тўлдирилган «Девон»нинг нашр этилиши шоир юбилейига арзигулик совға бўлди.

Исматулла АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби профессор.

Чинни буюмлар қанчалик нафис ва жарангдор бўлса, диди баланд, нозиктаъб кишилар табиатига ўзига хос ўйғунлик бахш этади. Чойнак-пиёла, коса-ликопча, қолаверса, ланганлар бежирим, нақшинкор гуллар билан безалиб, зархал билан сайқалланган бўлса, тағин ҳам кўрки ортади. Бундай нафосатни яратишда Тошкент чинни заводида кўп йиллардан бери меҳнат қилаётган мўйқалам устаси, Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми Ёқуб Қорабоевнинг хизматлари катта.

Суратда: моҳир рассом Ё. Қорабоев шогирдлари даврасида.

Суратқаш В. МОЛГАЧЕВ.

• Вилоятлардан дараклар

ЯРИМ АСРЛИК РАИС

● КУКМАЧИТ Самарқанддаги қадимий маҳаллалардан ҳисобланади. Унга шу ерда яшаб ўтган халқ ҳофизи Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов номи берилган. Маҳаллага 50 йилдан бери фидойи отахон Муродқул ака Мухторов раислик қилиб келяптилар.

Асли касби муаллимлик эмасми, халқ билан тил топишган. Ярим асрдан бери маҳалла аҳлининг яхши-ёмон кунида ҳамдам. Айниқса ҳозир қадриятларимизга кенг йўл берилаётганидан отахон янада жўшиб юрибди.

— Яқинда вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов тўй ва бошқа маросимларни камҳаражат, ихчам қилиб ўтқазиш юзасидан фармойиш чиқарди, — дейди маҳалла отахони. — Бу ҳужжатда биз маҳалла фаолларига катта ҳуқуқ берилган. Шу боис сиёблик маҳалла қўмиталари раислари вилоят меҳнаткашларига ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаш юзасидан мурожаат қабул қилдилар.

Муродқул аканинг яна бир яхши фазилати бор. У киши рўзномаларга тез-тез мақола ва хабарлар ёзиб туради. Навбатдаги мақоласини. М. Мухторов «Анъаналар томири», деб атабди. Назаримда бу ибора у кишининг ўзи сингари фидойи инсонларга қаратилгандек.

ХАЙРИЯ САФАРИ

● ТАНИҚЛИ мусиқачи Берлин, Кливенд, Лос Анжелес симфоник жамоаларини бошқарган, айни пайтда эса Лондондаги қирол симфоник оркестрига раҳбарлик қилаётган Владимир Ашкенази ҳайрия сафарини давом эттирмоқда. Мусиқа юлдузи эзгу иш чоғида қадимий ва навқирон Самарқандга ҳам ташриф буюрди.

— Халқаро ва Ўзбекистон маданият жамғармаси билан биргаликда Самарқанд, Тошкент, Бухоро шаҳарларида талайгина ихтидорларни излаб топдик, уларга ҳар томонлама ёрдам бердик. Бундан ташқари болалар ва маданият жамғармаларига пул ўтказдик, — дейди биз билан суҳбатда В. Ашкенази. — Мен бу кўҳна шаҳарда кўплаб истеъдод эгалари ижод этаётганлигидан хурсанд бўлдим. Дарвоқе, бундай ажойиб юртни қуйламасликнинг иложи ҳам йўқ.

26 ёшли таниқли санъаткор ўз сафарини Японияндан бошлаган ва уни Хабаровск, Иркутск, Новосибирск, Ўрта Осиёдан кейин Нижний Новгород орқали ўзи туғилиб ўсган Вильнюс шаҳрида якунлар экан.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• СПОРТ •

МУСОБАҚА ЯКУНИДА

● МАКТАБ ўқувчилари ҳамда ҳунар-техника билим юртлари талабалари ўртасида ўтказилган республика спартакиадаси якунланди.

Қишлоқ спортчилари ўртасида ўтказилган баҳслар кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Мусобақалар спортнинг 22 тури бўйича ташкил этилди. Тошкент вилояти иштирокчилари жами 7 та олтин, 3 та кумуш, 7 та бронза медалини қўлга киритиб, жамоа ҳисобида пешқадамлик қилишди. Шаҳарликлар спортнинг 24 тури бўйича мусобақалашишди. Ғолиблик учун курашда тошкентликларга ҳеч ким бас келолмади. Улар 16 та олтин, 1 тадан кумуш ва бронза медалларини тўплаб, жамоа ҳисобида зафар кучдилар. Умум ҳисобда андижонликлар жами 25 та медаль билан спартакиада чемпиони бўлишди. 24 та медаль жамғарган Тошкент вилояти спортчилари иккинчи 22 та медаль тўплаган фарғоналиклар учинчи ўринни эгаллашди.

СОВРИНЛИ ЎРИН

● ЖАНУБИЙ КОРЕЯ пойтахтида чарм қўлқоп усталари ўртасида халқаро турнир ўтказилмоқда.

Мусобақада жаҳоннинг турли мамлакатларидан тўпланган моҳир боксчилар ғолиблик учун курашмоқдалар. Мусобақада ўзбекистонлик Михаил Саркисов ҳам иштирок этмоқда. У учрашувларни муваффақиятли давом эттириб ярим финалга йўлланма олган эди. Боксчимиз баҳснинг ана шу босқичида японияли Хирокуни Мотога имкониятни бой бериб қўйди. Шундай қилиб, спортчимиз халқаро мусобақанинг бронза медали билан қаноатланди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИ

Тошкентда 25 майдан 31 майгача "Ўзбегим Интернейшнл" қўшма корхонаси Чилонзор ҳокимияти кўмагида Италия савдо-саноат фирмалари билан биргаликда халқ истеъмоли моллари ва саноат ускуналарининг тижорат кўргазмасини ташкил этади.

Махсус жиҳозланган намойиш залларида модали кийимлар ва пойабзаллар, керамика ва пластмассадан тайёрланган буюмлар, такинчоклар ва бадиий чиннилар, қандиллар ва ёритгичлар, қурилиш материаллари, турли хил саноат ва ишлаб чиқариш маҳсулотларини тайёрлаш линиялари намойиш этилади.

БИЗНИНГ КЎРГАЗМАМИЗ ИТАЛИЯЛИК ДАРОМАДГИРЛАР БИЛАН ТЎҒРИДАН - ТЎҒРИ АЛОҚА БОҒЛАШГА АЖОЙИБ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ.

БАРЧА МАНФААТДОР ИШБИЛАРМОН КИШИЛАРНИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Манзилгоҳимиз: 700115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кучаси, 53 "А" уй.
Телефонлар: 77-76-58, 77-72-34.
Факс 777234.
Телекс 116395 "РОНДО".
Ташкилотчилар: "Ўзбегим Интернейшнл" қўшма корхонаси ва Чилонзор ҳокимияти.

UZBEGIM INTERNATIONAL

Ростов-Дон шаҳридаги «СОЮЗ»
жорий этиш илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси СИЗГА

1. «Шанс» ютуқли ўйин автоматларини;
2. «Конвер МД» ютуқли ўйини автоматларини;
3. «Рулетка МД» ютуқли ўйин автоматларини;
4. Союз—ТВ телевизион ўйин автоматларини;
5. Танга қабул қилувчи механизмни;
6. Хонадонларни, магазинларни, омборларни қўриқлашга мослаштирилган электр тармоғи ва иккита яполоқ батарейка ёрдамида ишлайдиган сигнализацияли қурилмаларни

ЖЎНАТИШИ МУМКИН

Шунингдек, бирлашма ўзининг ташқий кўринишидан ва техник характеристикаси жиҳатидан хорижникидан қолишмайдиган

1. «Триада» ютуқли ўйин автомати.
2. «Рулетка—1» ютуқли ўйин автомати.
3. «Покер» ютуқли ўйин видео автоматига

1992 ЙИЛ УЧУН ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

Манзилгоҳимиз: 344008, Ростов-Дон шаҳри А/Я 928.

Телефонлар: (8632) 32-77-96; 32-57-91.

Факс (8632) 32-88-72.

Телетайп 123789 «ГРАФ».

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-94-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

386.914 нусхада чоп этилмоқда.
Буюртма № Г—128.
№ 100.
видеде 64583.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—20.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.